

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил ноябрь ойининг 28 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати вилоят суди биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи: А.Хабибуллаев,
ҳайъат судьялари: А.Исаков ва Н.Зайнабидиновдан иборат таркибда,
Ш.Мўйдиновнинг котиблигида, прокурор М.Иминов, судланган
О.Юлдашевнинг ҳимоячиси адвокат Т.Исмоилов, жабрланувчи қонуний вакили
Д.Исмаилова ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Абдуллаевнинг иштирокида,
О.Юлдашевга оид жиноят ишини жабрланувчининг қонуний вакилини шикоят
асосида кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2024 йил 30
сентябрдаги ҳукмига мувофиқ:

1981 йил 26 майда Жалақудуқ туманида туғилган,
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта,
ишсиз, оилали, 3 нафар фарзандлари бор,
муқаддам судланмаган, Жалақудуқ тумани,
Кўкалам МФЙ, Кўкалам кўчаси 9-уйда яшаган,
шахсий кафиликка бериш эҳтиёт чораси
қўлланилган Юлдашев Отабек Жураевичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан 3 йил муддатга
транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб,
5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони манзил
колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.Юлдашев Жалақудуқ тумани, Бузрукхонтўра
МФЙ ўрамида жойлашган “Фарзандларим-дилбандларим” нодавлат мактабгача
таълим ташкилоти тарбияланувчиларини соат 07 дан 08 гача бўлган вақт
оралиғида яшаш уйдан болалар боғчасига ва соат 16 дан 17 гача бўлган вақт
оралиғида болалар боғчасидан яшаш уйларига олиб бориб қўйиш билан машғул
бўлганлиги сабабли, 2024 йил 15 июнь “Қурбон ҳайити” байрами олдидан
“арафа” куни бўлганлиги муносабати билан соат 13 лар чамасида мазкур
мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини ўз яшаш уйларига олиб
бориб қўйиш мақсадида таниши Э.Турдиевга тегишли “Дамас” русумли 60 К
740 ОА давлат белгили транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи
ҳужжатлари бўлмаган ҳолда ташкилотга бошқариб келиб, у ердан 13 нафар
тарбияланувчиларни олиб, уларни тарбиячи Н.Косимованинг 2009 йилда
туғилган қизи вояга етмаган Р.Абсаматова ҳамроҳлигида навбатма-навбат яшаш



уйларига олиб бориб қўйиш учун автомашина салонига чиқаргандан сўнг, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг "...Болалар гуруҳини ташкилий ташишда автобус (микроавтобус)да катта ёшли кузатиб боровчи(лар) бўлиши шарт. Бундай автобус (микроавтобус)ларнинг олди ва орқа томонига "Болалар гуруҳини ташиш" таниқлик белгиси ўрнатилиши керак" деб белгиланган 156-банди талабларига зид равишда, ушбу таниқлик белгисини ўрнатмаган ҳолда автомашинани бошқариб, онаси Д.Абдукаримова қарамоғида бўлган 29.08.2020 йилда туғилган вояга етмаган М.Одилжоновни яшаш уйига ташлаб қўйиш учун улар яшаб келаётган Жалақудуқ тумани, Кўкалам МФЙ, Нодирабегим кўчаси 77-уй олдига келган пайтда унга ҳамроҳлик қилаётган вояга етмаган Р.Абсаматова автомашина салонидан тушмаган ҳолда тарбияланувчи М.Одилжоновни автомашина орқа ўнг томон эшигидан пастга тушириб эшикни ёпгандан сўнг, такроран Йўл ҳаракати қоидаларининг ҳайдовчи транспорт воситаси тўлиқ тўхтагандан кейин йўловчиларнинг чиқиши ва тушишида уларнинг хавфсизлигини таъминлаши кераклиги кўрсатилган 158-банди талабларини онгли равишда бузиб, ҳаракатланишни бошлашдан олдин вояга етмаган М.Одилжоновни босиб кетмаслик учун хавфсизлик ва эҳтиёткорлик чораларини кўрмаганлиги оқибатида, ҳаракатланишни бошлаган пайтда бошқарувдаги автомашина ғилдираклари билан вояга етмаган М.Одилжоновни босиб юбориб, унинг ўлимига олиб келган "оғир" тан жароҳати етказилишига сабаб бўлган йўл-транспорти ҳодисаси содир этиб, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Д.Абдукаримова ва Д.Исмаилова кассация шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан судланган О.Юлдашевга енгил жазо тайинланганлиги, ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми билан қўшимча айбланиш лозимлигини кўрсатиб, оғирроқ жазо тайинлашни сўрашган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси А.Хабибуллаевнинг маърузасини, жабрланувчининг қонуний вакили Д.Абдукаримованинг ҳимоячи Ш.Абдуллаевнинг шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш ҳақидаги, судланган О.Юлдашевнинг ҳимоячиси Т.Исмоилов ҳамда прокурор М.Иминовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги вазиятни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация тартибидаги шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги; ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб; ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб, айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши; суд ҳукмини фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши; суднинг ҳукмда



ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозимлиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди юқоридаги қонун талабига риоя қилиб, ҳукмда иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган О.Юлдашевнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиши учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганлиги: ўзининг айбига иқроор бўлиб берган кўрсатувлари билан бир қаторда, жабрланувчи қонуний вакили Д.Абдукаримова, гувоҳ Н.Қосимованинг суддаги кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, кўрсатувларни ҳодиса жойида кўздан кечириш баённомаси, судга оид тиббий ва тиббий криминалистика экспертизалари хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди жабрланувчи қонуний вакили Д.Абдукаримова ва ҳимоячиси томонидан судланган О.Юлдашевни ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми билан айблаш ва жазо тайинлаш ҳақидаги важларини ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тасдиқловчи ишдаги юқорида қайд қилинган мақбул далиллар асосида баҳолаб, судланган О.Юлдашевнинг ҳаракатларида ЖКнинг 117-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисида қонуний тўхтамга келган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси томонидан жабрланувчининг қонуний вакили Д.Абдукаримова ва Д.Исмаилова кассация шикоятдаги важларни текшириш мақсадида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ю.Хамрақулова 2024 йил 15 июнь куни судланган О.Юлдашев “Дамас” русумли 60 К 740 ОА давлат белгили транспорт воситасини бошқариб, ёнидан ўтиб кетганлигини кўргани, шу вақтда бир бола ушбу автомашина боғча тарбиячисини уриб кетганлигини билдирганида, О.Юлдашевга бу ҳақида бақариб хабар бергани, у қайтиб воқеа жойига келгани ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси О.Юлдашевни ЖК 117-моддасининг 2-қисми билан айблаш ҳақида билдирилган шикоятдаги важлар билан келишмади.

Биринчи инстанция суди О.Юлдашевга, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш ҳавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, муқаддам судланмагани, қилмишига иқроор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини ва жиноят содир қилганидан сўнг ижобий хулқ-атворини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб эътироф этиб, эҳтиётсизликка йўл қўйиб, вояга етмаган шахснинг ўлимига сабабчи бўлгани, жабрланувчи қонуний вакилининг талабини инобатга олиб, жиноятнинг хусусияти ва



ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлган, қонун санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли ҳулосага келган.

Зеро, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 20-моддасининг 1-қисмига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукмни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, кассация инстанцияси О.Юлдашевга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, жабрланувчининг қонуний вакиллари келтирган кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 509⁹, 509¹⁰-моддаларига асосан кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Юлдашев Отабек Жураевичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2024 йил 30 сентябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, жабрланувчи қонуний вакилларининг кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан ҳукм чиқарган суд орқали Андижон вилоят судига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Хабибуллаев

Ҳайъат судьялари:

А.Исаков

Н.Зайнабидинов

